

---

## Туман ҳокимининг навбатдаги қабули бўлиб ўтди

Бугун Бағдод тумани ҳокими Юсуфжон Хусайновнинг навбатдаги қабули бўлиб ўтди. Қабулда ҳоким ўринбосарлари, тумандаги тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда муаммоси мавжуд фуқаролар иштирок этишди.

Мазкур қабулда фуқаролар моддий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик масаласида, қишлоқ хўжалигига оид бўлган масалалар, тиббиёт муассасаларида даволаниш учун амалий ёрдам кўрсатиш, болалар нафақаси, доимий иш билан таъминлаш каби муаммолар билан мурожаат қилишди.

Туман ҳокими томонидан ҳар бир фуқаронинг муаммоси тингланди, ижобий ҳал қилиш бўйича тегишли мутасаддиларга топшириқ ва кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди. Айрим мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2023-07-04 19:08:38